



РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОИТИДА ОИЛА ҲУҚУҚИННИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНСИЯЛАРИ

Туйчиева Барчиной Исқандаровна

Андижон вилояти фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро
судининг судьяси

Аннотация: Ушбу мақолада замонавий рақамли технологияларнинг оила ҳуқуқига таъсирни, унинг назарий асослари ва амалий жиҳатлари чуқур таҳлил этилади. Рақамли жамият шароитида оила ҳуқуқининг янги шакллари, масофавий никоҳ ва ажрим, электрон судлов, онлайн медиасия ва рақамли ҳуқуқий хизматлар каби институтларнинг шаклланиши ҳамда халқаро тажрибанинг аҳамияти ёритилган. Щунингдек, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, рақамли ҳуқуқий саводхонлик ва болаларнинг рақамли ҳавфсизлиги масалалари ҳам ҳуқуқий нуқтаи назардан кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли оила ҳуқуқи, масофавий никоҳ, электрон суд, рақамли идентификация, онлайн медиасия, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, сунъий интеллект, рақамли ҳуқуқий хизматлар, ҳуқуқий трансформация.

Annotation: This article provides an in-depth analysis of the impact of modern digital technologies on family law, exploring both its theoretical foundations and practical dimensions. It highlights the emergence of new forms of family law in the context of a digital society, such as remote marriage and divorce, electronic litigation, online mediation, and digital legal services, while emphasizing the relevance of international experience. The paper also examines issues related to the protection of personal data, digital legal literacy, and the digital safety of children from a legal perspective.

Keywords: digital family law, remote marriage, electronic court, digital identification, online mediation, personal data protection, artificial intelligence, digital legal services, legal transformation.

Маълумки, бугунги кунда замонавий рақамли технологиялар жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларига кириб борди, хусусан, ҳуқуқ тизими ва оиласиб-ҳуқуқий муносабатлар ҳам бу жараёндан четда қолмади. Бугунги кунда оила ҳуқуқи, анъанавий ҳуқуқий меъёrlар билан бир қаторда, рақамли воситалар, ахборот-коммуникация технологиялари ва сунъий интеллектнинг юксалиб бораётган таъсирни остида тубдан ўзгаришга юз тутмоқда. Оила институти инсониятнинг энг қадимий ижтимоий тузилмаларида бири бўлишига қарамай, у замон руҳи ва технологик тараққиёт шароитида ўз тузилмаси, функцияси ва меъёрий асослари бўйича янгиланишга муҳтоҷ бўлиб бормоқда.



Оилавий ҳуқуқий муносабатларга рақамли технологияларни жорий этиш масаласи, бир томондан, низоларни ҳал қилишни енгиллаштиришга хизмат қиласи. Масалан, сунъий интеллект технологиялари ҳужжатларни таниб олиш орқали бошқа давлатларга қўчиб ўтган оилалар ҳолатини тезкор аниқлашга ёрдам беради. Бошқа томондан, айрим мутахассисларнинг фикрича, оилавий ҳуқуқий масалалар кўпинча нозик жиҳатларни қамраб олади, шунинг учун тизимга рақамли технологияларни жорий этишда бу йўналишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим²⁶.

Рақамли жамиятда оила ҳуқуқининг муҳим вазифаларидан бири – бу оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни замонавий технологиялар билан уйғунлаштириш, масофавий ҳуқуқий хизматлар ва ҳужжат айланиши имкониятларидан самарали фойдаланишdir. Масалан, COVID-19 пандемияси даврида рақамли технологияларни оилавий ҳуқуқий муносабатларга ва оилавий низолар бўйича суд ишларини кўриб чиқиш жараёнига жорий этиш масаласи алоҳида эътибор марказига айланди. 2020 йил март ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан пандемия эълон қилингач, рақамли технологиялар судлар фаолиятини давом эттириш ва адолатни таъминлаш воситаси сифатида тез суръатда илгари сурила бошланди. Деярли барча мамлакатлар муқобил онлайн низоларни ҳал этиш усулларини (масалан, медитация, арбитраж) жорий этди, судларда Zoom каби виртуал платформалардан фойдаланила бошланди, электрон ҳужжатлар алмашинуви йўлга қўйилди.

Пандемия даврида аксарият давлатларда классик суд юритиш тизимидан электрон юритувга ўтиш тенденцияси кучайди, бунда сунъий интеллект технологияларидан суд жараёнларида фаол фойдаланиш йўлга қўйилди. Европа давлатларида оилавий суд тизимлари рақамли технологияларни турли босқичларда татбиқ эта бошлади. Европа Иттифоқининг айрим мамлакатларида оилавий ва фуқаролик судлари соҳасида қуйидагилар амалиятга жорий қилинди: рақамли суд мажлислари, томонлар ўртасидаги электрон мулоқот, ҳужжатларни электрон топшириш ва айниқса, болаларни халқаро ўғирлаш билан боғлиқ трансчегаравий ишлар бўйича судлараро электрон мулоқот. Ушбу воситалар Европа Адлия самарадорлиги комиссиясининг (CEPEJ) ҳисоботларида ўз аксини топган²⁷.

Шунингдек, бу даврда Ўзбекистон ҳам никоҳни масофадан туриб давлат рўйхатидан ўтказиш имконини берувчи механизmlарни жорий қилиш заруратига дуч келди. Бу эса оила ҳуқуқининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини рақамлаштириш, электрон идентификация, электрон рақамли имзо ва давлат хизматларининг онлайн шакллари билан узвий боғлиқ бўлиб қолди.

²⁶ Ségolène Normand. ERA Seminar on Digital technology in family matters – A Private International Law Perspective // <https://eapil.org/2021/02/20/era-seminar-on-digital-technology-in-family-matters-a-private-international-law-perspective/>

²⁷ CEPEJ report «European judicial systems: efficiency and quality of justice: Use of Information and Communication Technologies in European Judicial Systems»; CEPEJ Guidelines on how to drive change towards Cyberjustice. // <https://rm.coe.int/16807482de>



Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги Президентимизнинг бир қатор Фармон ва Қарорлари, Ҳукумат қарорлари асосида оила ҳуқуқи институтларининг рақамли инфратузилмаси шаклланмоқда. Шу билан бирга, никоҳ, ажрим, алимент, васийлик ва бошқа оиласавий-ҳуқуқий муносабатларда юзага келувчи масалаларнинг ечими учун судга мурожаат қилишда электрон суд тизими (“E-SUD”) ва масофавий муҳокама механизмлари жорий қилинди. Бу жараён, албатта, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошишига қулайлик яратади, бироқ у билан боғлиқ хавф ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, шахсий маълумотларнинг муҳофазаси, рақамли идентификация воситаларининг ишончлилиги, ҳимояланган алоқа каналларининг мавжудлиги долзарб масалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, бошқа ҳуқуқ соҳаларига нисбатан оиласавий ишлар бўйича инсоний мулоқот ва ҳиссиёт омили ўта муҳим аҳамиятга эга. Covid-19 пандемияси даврида судларда масофавий эшитувлар кенг тарқалган бўлса-да, уларнинг адолатлилиги ва инсонпарварлик тамойилларига мослиги бўйича шубҳалар мавжуд. Бу бўйича Буюк Британияда жойлашган “Nuffield” тадқиқот муассасаси оиласавий ишлар бўйича масофавий эшитувларга оид жамоатчилик фикрини ўрганган. Ушбу тадқиқотда 1300 га яқин иштирокчи – ота-оналар, судьялар, ҳуқуқшунослар, ижтимоий ишчилар ва бошқа мутахассислар ўз тажрибаси билан ўртоқлашган. Уларнинг фикрича, “оиласавий суд жараёнлари – бу оддий маъмурий иш эмас, балки “шахсий ва кўпинча оғриқли масалалар”ни кўриб чиқиш бўлиб, у нозик ва инсонпарвар ёндашувни талаб қиласи”. Натижаларга кўра, иштирокчиларнинг 40 фоизи суд эшитувларида нима бўлаётганини тушунмаганини билдирган. Айниқса, янги туғилган болани ажратиш бўйича масалаларда масофавий форматдан фойдаланиш жиддий хавотир уйғотган²⁸.

Юқорида айтилганидек, оиласавий ишлар бўйича судда инсоний мулоқот ва шахсий таъсирлар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Видеомулоқотларда инсонларнинг танаси тили ва бошқа невербал сигналларини сезиш чеклангани учун бу суд қарорларига ҳам таъсир кўрсатади. Шу сабабли СЕРЕЈ ўз тавсияларида киберадолатга ўтишда бу ҳолатга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаган²⁹.

Оила ҳуқуқининг рақамли трансформацияси, шунингдек, оиласавий низоларнинг муқобил ҳал этиш усулларида – хусусан, онлайн медиасия институтининг ривожланишида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Медиасиянинг масофавий шакллари, видеоалоқа воситалари орқали ўтказиладиган келишувлар, электрон архив тизимига уланган ҳужжатлар ёрдамида

²⁸ Nuffield Family Justice Observatory. Remote hearings in the family justice system: reflections and experiences. Follow-up consultation https://www.nuffieldfjo.org.uk/wp-content/uploads/2021/05/remote_hearings_sept_2020.pdf (September 2020)

²⁹ CEPEJ report «European judicial systems: efficiency and quality of justice: Use of Information and Communication Technologies in European Judicial Systems»; CEPEJ Guidelines on how to drive change towards Cyberjustice. // <https://rm.coe.int/16807482de>



тузилаётган сулҳ битимлари бугунги кунда тобора кенг қўлланилмоқда. Бу эса оилавий низоларда вақт ва харажатларни тежаш билан бирга, томонларнинг маҳфийлигини сақлаб қолиш имконини ҳам беради.

Халқаро тажриба ҳам рақамли оила ҳуқуқининг ривожланишини жадаллаштиришда муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, Кананада 2012–2017 йилларда ўtkазилган тадқиқотда³⁰ суд жараёнлари ва суд қарорларини онлайн ижро этишда асосан телефон ва видеоконференциялар ишлатилгани қайд этилган (масалан, ажрашган ота-оналар ўртасидаги болалар тарбияси масалалари). Хитойда эса 2004–2013 йиллар оралиғида интернет орқали суд мажлислари ўтказилиши амалиёти ривожланган. Масалан, Хитой суди Кананада яшаётган жуфтликнинг ажрашиш аризасини электрон почта орқали қабул қилган, тарафлар билан онлайн алоқа ўрнатган ва ҳужжатлар билан алмашган³¹.

Бироқ, рақамли оила ҳуқуқининг юксалишида фақат техник инфратузилмани ривожлантириш етарли эмас. Норматив-ҳуқуқий базанинг такомиллашуви, рақамли ҳуқуқий саводхонлик даражасининг оширилиши, сунъий интеллект воситаларидан фойдаланишда инсон ҳуқуқлари кафолатларининг аниқлиги каби омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида рақамли ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш тартибини алоҳида норматив асосда белгилаш, хусусан, масофавий никоҳ ёки ажримнинг юридик кучи, электрон ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи меъёрларни жорий этиш зарурдир.

Рақамли технологиялар, шунингдек, оилавий зўравонлик ҳолатларини олдиндан аниқлаш ва мониторинг қилишда ҳам янги имкониятлар яратмоқда. Мобил иловалар, “Call-center” тизимлари, аёлларни ҳимоя қилишга қаратилган рақамли платформалар оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, рақамли воситалар болаларнинг рақамли хавфсизлигини ҳам кафолатлаши лозим. Интернетдаги номақбул контент, рақамли таҳдидлар ва сунъий интеллект асосида ишлаб чиқилаётган автоматлаштирилган тарбия воситалари ҳуқуқий ва ахлоқий мезонларга асосланиши шарт.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, рақамли технологиялар оила ҳуқуқининг концептуал асосларини янгидан кўриб чиқишини талаб қилмоқда. Бу жараён шунчаки технологик ёндашув эмас, балки ҳуқуқий тафаккурнинг ўзгариши, ҳуқуқий муносабатларнинг янги даражада шаклланиши билан боғлиқдир. Рақамли оила ҳуқуқи деган янги юридик тушунча пайдо бўлмоқда – бу нафақат восита, балки ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисми сифатида шаклланаётган йўналишдир. Уни ривожлантириш учун илмий таҳлил, қонунчилик ташаббуслари ва амалий тажрибанинг уйғулиги зарурдир. Ўзбекистон

³⁰ Evans Jane, Ndegwa Anna. Use of Technology in the Family Justice System. – Canada: Department of Justice Canada, 2022. – 46 с.

³¹ A foreign-related marriage e-mail trial concluded a transnational divorce case (Sourced from China News Network, 31 July 2004). // <http://news.sina.com.cn/o/2004-07-31/16073256390s.shtml>



шароитида эса бу соҳани комплекс тарзда ёритувчи, назарий ва амалий ёндашувни уйғулаштирувчи маҳсус стратегик ҳужжатлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуни.
4. Ségolène Normand. ERA Seminar on Digital technology in family matters – A Private International Law Perspective // <https://eapil.org/2021/02/20/era-seminar-on-digital-technology-in-family-matters-a-private-international-law-perspective/>
5. CEPEJ report «European judicial systems: efficiency and quality of justice: Use of Information and Communication Technologies in European Judicial Systems»; CEPEJ Guidelines on how to drive change towards Cyber justice. // <https://rm.coe.int/16807482de>
6. Nuffield Family Justice Observatory. Remote hearings in the family justice system: reflections and experiences. Follow-up consultation (September 2020) https://www.nuffieldfjo.org.uk/wpcontent/uploads/2021/05/remote_hearings_sept_2020.pdf
7. CEPEJ report «European judicial systems: efficiency and quality of justice: Use of Information and Communication Technologies in European Judicial Systems»; CEPEJ Guidelines on how to drive change towards Cyber justice. // <https://rm.coe.int/16807482de>
8. Evans Jane, Ndegwa Anna. Use of Technology in the Family Justice System. – Canada: Department of Justice Canada, 2022. – 46 c.
9. A foreign-related marriage e-mail trial concluded a transnational divorce case (Sourced from China News Network, 31 July 2004). // <http://news.sina.com.cn/o/2004-07-31/16073256390s.shtml>